



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 4 июль. ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 131 (12.692)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



КЕЛАЖАКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Айни кунларда мактаб ва касб-хунар коллежларида ёзги таътил даври бошланди. Кимдир соғломлаштириш оромгоҳида дам олса, биров хунар ўрганади. Вақтдан унумли фойдаланиш истагидоғлар ўзларига яраша иш топса, баъзилар спорт тўғрисида боришни маъқул кўради. Албатта, бу вақтда ота-оналар болаларини бекор қолдирмаслик ҳаракатида бўлишади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳамиша ёшларга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Уларнинг вақтини мазмунли ўтказиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларни бирлаштириш, ҳар томонлама кўмак бериш, касбга йўналтириш ва хориж тилларини ўрганишини таъминлаш учун турли ўқув марказлари ва спорт мактаблари ташкил этилган.

Шайхонтоҳур тумани «Гулбозор» маҳалласида фаолият юритаётган «Гулҳида» ўқув маркази улардан бири. Бу ердаги шарт-шароитлар билан танишиш мақсадида борганимизда фарзандларини бандлигини таъминлаш истагидоғи бир неча ота-оналарни ва тил ўрганиш мақсадида келган ёшларни учратдик.

— Ўғлим тўққиз ёшда, таътил вақтида бўш юрмасдан тил ўрганишини хоҳлаяпман, ўзининг ҳам инглиз тилига қизиқиши баланд, — дейди Равшан Маҳмудов.

Мен эса қизим билан келдим. Унинг ёши ўн тўққизда. Яқинда тўй қилмоқчимиз. Аввалроқ пазандалик, саргарошлик йўналишларида таълим олганди. Энди ҳамширалик курсида ўқимокчи. Ҳаётга, оилага тайёр бўлиб борсин, борган жойида қўйналмасин, дейишда, — дейди ўзини Малика Нурова деб таништирган аёл.

Мазкур ўқув марказида ёшларни касбга йўналтириш, тил ўрга-

тиш мақсадида йигирмадан ортиқ ўқитувчилар ўн беш йўналишда таълим беришмоқда.

— Ёз бошланиб, ўқувчилар кўпаймоқда, — дейди марказ иш бошқарувчиси Дилшода Аъзам-хўжаева. — Бизга кўпроқ пазандалик, тикувчилик, декоратив гул ясаш, тил ўргатиш курсларини сўраб келишади. Курсларга келаятганларнинг кўпчилигини одатда қизлар, келинлар ташкил этади. Тўғри, пазандачилик, карвинг ва тил ўргатиш курсларимизда ўғил болалар ҳам бор. Бироқ, уларнинг сони жуда кам. Шунинг учун яқин кунларда радио-техника курсини йўлга қўймоқчимиз. Ана шунда ўғил болалар учун оила, рўзгор учун керакли ва қизиқарли хунарни ўргатишни йўлга қўямиз.

— Эгаллаган мутахассислигим бўйича бир-икки жойга иш сўраб мурожаат қилдим, бироқ уйда қолган тўрт йилимда соҳамизда кўплаб ўзгаришлар бўлгани боис уларнинг талабига жавоб бера-олмаяпман, — дейди Роза Тошматова. — Шунинг учун бухгалтерия курсида замонавий билимларни ўзлаштирмоқдам. Тажрибам ошиб, янгиликларни ўрганиб олгач, ўзим истаган таълимни олишга жойлашимга ишонаман.

Ақтёрлик маҳорати ва режиссура курсида бешта ўқувчи таълим олмоқда. Уларга шеър, мо-

нолог ўқиш, саҳнада ўзини тутиш, сўзлаш маҳоратидан таниқли режиссёр Раҳим Собиров сабоқ бермоқда.

Арофат Раҳмонкулова 19 ёшда. Бу йил касб-хунар коллежини битириб, юртимизда фаолият юритаётган хорижий таълим марказларидан бирида ўқиш истаги бор. Шу боис бир йилдан буён инглиз тилини индивидуал тарзда ўрганмоқда.

— Мен айни пайтда инглиз тилида сўзлашиб, ёзиш, ўқишни ўзлаштирдим. Хорижликлар билан бемалол суҳбатлаша оламан. Келгусида хитой ва рус тилларини ҳам ўрганмоқчиман. Бунинг учун биз ёшларга барча шароитларни яратиб бераётган давлатимиз раҳбаридан миннатдорман. Эл-юртнинг қорига яраш, бунёдкорлик ишларига ҳисса қўиш каби улуг мақсадлар ҳар бириимизнинг масъулиятимизга айланиши зарур.

Албатта, ёшлар мамлакат таянчи ва миллат келажигидир. Мустақил Ватанимиз эртаси обод ва фаровон бўлиши, ҳақиқатимиз янада раванг топиши кўп жihatдан улғайиб келаётган авлоднинг салоҳиятига ҳам боғлиқ. Ўқув курслари, спорт мактаблари гавжумми, демак, ёшларимиз изланишти, ўқиб-ўрганмоқда, ўз келажигининг мустаҳкам пойдеворини яратмоқда.

Зиёда ВОХИДОВА
Ислом Исмоилов
олган сурат

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Пекинда Буюк Ипак йўли бўйлаб иқтисодий коридор ташкил этишда оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигига бағишланган форум бўлиб ўтди.

Хитойнинг «Жэньминь Жибао» газетаси томонидан ташкил этилган анжуманда Хитой, Ўзбекистон, Россия, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркиянинг элликка яқин оммавий ахборот воситалари, Хитойнинг ташқи ишлар, савдо, иқтисодиёт, транспорт, маданият каби соҳаларга иқтисослашган вазирлик ва идоралари, хорижий мамлакатларнинг дипломатик миссиялари раҳбар ва вакиллари иштирок этди.

Анжуманнинг очилишида Хитой халқ сиёсий-консултатив кенгаши Бутунхитой кўмитаси раисининг ўринбосари Ли Хайфэн, «Жэньминь Жибао» газетаси таҳририятининг бош директори Ян Чжэнь, Хитой транспорт вазири-нинг ўринбосари Вэн Мэнхуа ва бошқалар Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик изчил ривожланаётганини алоҳида таъкидлади. Буюк Ипак йўли бўйлаб иқтисодий коридор ташкил этилиши ҳамда бу борада минтақа оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигини фаоллаштириш кўптомонлама алоқаларни янада мустаҳкамлашга ҳизмат қилиши қайд этилди.

Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатлар билан Хитой халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи узок асрларга бориб тақалади. Қадимий Мовароуннахр ва Чин юрти ўртасидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқалар чўи, пахта, ипак, қозғ ва бошқа маҳсулотларнинг бутун дунёга тарқалишида муҳим ўрин тутган.

Бугунги кунда бу ҳамкорлик муносабатлари янги мазмун билан бойиб, барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари ўртасидаги хурмат-эҳтиром ва ишонч, мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга муносабатлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатлар Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация ҳамда бошқа кўплаб ҳужжатлар асосида изчил ривожланиб бораётди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга расмий ташрифи ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрда Ўзбекистонга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ҳизмат қилмоқда.

Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳам-

корлик юксак самаралар бермоқда. 2013 йил якунига кўра, бу кўрсаткич 4,5 миллиард долларга етди. Ўзбекистонда Хитой билан ҳамкорликда ташкил этилган беш юзга яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда, Хитойнинг етмишдан зиёд компанияси ваколатхонаси ишлаб турибди.

Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатларимиз юқори технологиялар соҳасидаги турли лойиҳаларни амалга оширишда фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. «Жиззах» махсус индустриал зонасида хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда мобил телефонлар, қурилиш материаллари, чарм буюмлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик самардорлигининг ёрқин тасдиғидир.

Маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро муносабатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Марказий Осиёда дастлабки Конфуций институтининг айнан Тошкентда ташкил этилгани таълим соҳасида ўзаро ҳамкорлигимиз изчил ривожланаётганидан далолат беради. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрда Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида имзоланган Самарқанд шаҳрида Конфуций институтини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштиришга ҳизмат қилади.

Ўзбекистон минтақамиз тараққиёти ва фаровонлигига катта ҳисса қўшмоқда. Буюк Ипак йўли бўйлаб иқтисодий коридор ташкил этишда Ўзбекистон муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Буюк Ипак йўли нафақат савдо йўли, айни пайтда халқлар ўртасида маданий-маърифий ҳамкорлик воситаси ҳам бўлган. Уни тиклашда Буюк Ипак йўли мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистоннинг иштироки алоҳида аҳамият касб этди. Шу нуқтаи назардан ушбу анжуман Буюк Ипак йўлидаги мамлакатларнинг иқтисодиёт, савдо, таълим, транспорт, маданият, сайёҳлик каби соҳалардаги салоҳиятини тўла ишга солишда ОАВнинг тутган ўрни юзасидан фикр ва тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш учун қўлай имконият бўлди.

Форум доирасида Буюк Ипак йўли бўйлаб иқтисодий коридор ташкил этишда оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Буюк Ипак йўли мамлакатлари ҳамкорлигини ривожлантиришда, минтақа тараққиётига ҳисса қўишда, дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни юзасидан фикр алмашилди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА махсус мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилаётган «Юрт келажиги» республика иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловда 16 номинация бўйича голиб чиққан 48 нафар йигит-қиз мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

• Хоразмдаги Питнак автомобиль заводи ишга тушгач, воҳада автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган бешинчи корхона — «Шовот подшипник» МЧЖ ўз фаолиятини бошлади. Жанубий Кореядан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада «Дамас»лар учун ўриндиқ гилофлари ҳамда «Нексия»ларга мўлжалланган тўрт турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

• Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикасининг Инха университети госпитали шифокорлари Навоий вилояти Кармана туманида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини чуқурлаштирилган tibбий кўрикдан ўтказмоқда.

• Мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг навбатдагиси 2015 йилда Хоразм вилоятида бўлиб ўтади. Урганчада мазкур спорт байрамига тайёргарлик ишлари муҳокама қилинди.

• Наманганда 19 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида сув полоси бўйича Ўзбекистон очик чемпионати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз вилоятлари ҳамда Қозоғистондан жами 11 жамоа қатнашди.

• Қибрай туманидаги «Соҳибкор» маҳалла фуқаролар йиғинида замонавий болалар спорт майдончаси фойдаланишга топширилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида барпо этилган мазкур иншоотда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши, оммавий спорт турлари билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратилган.

ЖАҲОНДА

• АҚШнинг шарқий соҳилларига «Артур» тропик тўфони яқинлашиб келаётгани боис Шимолий Каролина штатидаги Хаттерас ороли аҳолисини хавфсиз жойга кўчириш бошланди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, тропик тўфон оролни материк билан боғлаб турувчи асосий йўлни сув остида қолдириши мумкин.

• Лондон аэропортида Европанинг энг йирик авиакомпанияларидан бири — Ирландиянинг Ryanair компаниясига тегишли иккита самолёт ўзаро тўқнашиб кетди. Ушбу тўқнашув самолётлардан бири тўхташ жойига кириб келаётганида, иккинчиси эса орқага юриш билан ундан чиқаётганида содир бўлган. Ҳозирда ҳодисанинг барча тафсилотлари ўрганилмоқда. Айтиш керакики, тўқнашув натижасида ҳеч ким жабрланмаган.

• Япония ҳукумати бир қатор музофотларнинг соҳилда истиқомат қилувчи аҳолисини цунамидан ҳимоя қилиш мақсадида уч юз етмиш километрга яқин бетон деворлар қуришни кўзда тутмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра, «Буюк япон девори»ни қуриш ишлари тахминан 8,5 миллиард долларга тушади. Бунда деворларнинг биринчи навбатда Фукусима, Мияги ва Ивата музофотларида қурилиши режалаштирилмоқда.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекистон» миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуг, энг азиз» аънаваный танловига таклиф этади.

Танловга «Ягонасан, муқаддас Ватаним, сенги ва садақатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу гоғияи ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади.

«Энг улуг, энг азиз» танлови куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ҳодимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга такдим этилган ижодий ишларга куйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2013 йилнинг 1 августидан 2014 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йил 5 августгача қабул қилинади.

Танлов голиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

СОҶА РИВОЖИ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан пахта тозалаш саноатининг ривожини, соҳа корхоналаридаги технологияларни янгилашга амаллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг барча йўналишларида корхоналарни техник ва технологик янгилаш, модернизация қилиш, замонавий асбоб-ускуналар ҳамда технологияларни жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Бу, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва маҳсулот таннарининг пасайишида ихобий самара бераётир.

Бу борада «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимдаги пахта тозалаш корхоналарида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. 2013 йилда жамғарилган маблағлар ҳисобидан 5 та пахта тозалаш корхоналарини реконструкциялаш лойиҳалари бажарилди. Шулардан учтаси Хитойдан келтирилган технологик ускуналар ва пресслар билан бутланди.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси пахта тозалаш корхоналарини мақсадли модернизиациялаш ва маблағни тежас мақсадида технологик ускуналарни босқимча-босқим алмаштиришни мўлжаллаган. Жумладан, пахта толаси ва пахта линтини ўраш учун 224 дона гидравлик насослар, 300 дона аррели жин ва линтерлар, 110 дона пахта хом ашёсининг тозалаш технологияларини келтириш режалаштирилган.

Жорий йилда ҳам технологик ва ёрдамчи ускуналарни янгилаш ҳамда уларга эҳтиёт қисмлар етказиш ишлари олиб борилаётир.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналари томонидан 2014 йилда 4 трлн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, жумладан, пахта толаси — 1 млн.тоннага яқин, уруғлик чигит — 1,6 млн.тоннага яқин, момик — 80 минг тоннага яқин ҳамда 8,5 млрд.сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

2013 йилда соҳа корхоналари томонидан 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта хом ашёси ишланиб, 1,1 миллион тоннадан ортиқ тола олинди. 7,3 миллиард сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди.

Хозирги кунда соҳада 2013 йилги пахта хом ашёси ҳосилини дастлабки ишлаш якунига етказилмоқда ва пахта тозалаш корхоналарида мукамал таъмирлаш ишлари жадал суръатлар билан олиб боришмоқда. Тизимдаги барча корхоналар пахта хом ашёсининг янги ҳосилини қабул қилиб олишга тайёрланмоқда.

Тадбирда шунингдек, бир меёёрда ишловчи электр таъминот тизимлари, ёнгинга қарши қурилмалар, чангланган ҳавонини тозалашнинг замонавий усуллари ўзлаштирилаётганлиги, ижтимоий инфраструктуранинг ҳолати ва бошқа масалалар ҳусусида сўз юритилди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Абдували СОДИКОВ

Республикаимизда ишлаб чиқаришнинг барча йўналишлари қатори озиқ-овқат саноати, хусусан, сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб бормоқда. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бугун юртимиз бозорларини сифатли сут маҳсулотлари билан тўлдиришга имкон яратмоқда.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ



бу кўрсаткичи 8500 тоннага етказиш режалаштирилган.

«Ибрагимов Хусан Носирович» хусусий корхонаси бугунги кунда Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида олинадиган табиий сут маҳсулотидан қатик, қаймоқ, сметана, сариёғ, йогурт, пишлок, бринза сингари 42 хилдаги сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда.

Корхона жамоаси ўз олдига катта мақсадларни қўйган ҳолда иш олиб бораётир. Улар келгу-

сида банкдан кредит олиб, янги технологияларни келтиришни ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган куруқ сут ҳамда яна бир қатор янги маҳсулотларни тайёрлашни йўлга қўймоқчи. Ўйланган режа амалга ошса ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, маҳсулот тури ва сифати ошади. Энг асосийси яна қирқдан зиёд йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлади.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Яккасарой тумани ҳокимлигида туман ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Давлат солиқ божқармасининг масъул ходимлари, туман прокурори, Давлат солиқ инспекцияси, ИИБ, Суд ижро бўлими раҳбарлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раислари ҳамда тумандаги йирик солиқ қарздорликлари мавжуд ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслар иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда асосий эътибор Президентимизнинг 2013 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори билан белгиланган прогност кўрсаткичларини таъминлаш мақсадида солиқ қарздорлигини қисқартириш, жумладан, эгаллигида мол-мулк ва ер участкалари мавжуд фуқаролар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқлари ҳамда юридик шахсларнинг қарздорлигини қисқартириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасига қаратилди.

Бундан ташқари, солиқ қарздорлигига йўл қўйилган тақдирда қарздорларга нисбатан қўриладиган қонуний таъсир чоралари тўғрисида тушунтирилди ҳамда келгусида амалга ошириладиган ишлар режалаштириб олинди. Шунингдек, йирик солиқ қарздорлиги мавжуд корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботи эшитилиб, жорий йилнинг иккинчи ярим йиллигини ихобий якунлаш мақсадида уларга тегишли топшириқлар берилди.

Тадбир давомида қатнашчилар саволларига ташкилотчилар томонидан батафсил жавоб берилди.

(Ўз мухбиримиз)

Реклама ўрнида

Бугунги кунда мустақил юртимизнинг ҳар бир соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси ўлароқ аҳоли турмуш фаровонлиги юксалиб, иқтисодий тараққиётда салмоқли натижаларга эришилмоқда. Хусусан, юрт ривожига ҳисса қўйишга бел боғлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожига қаратилган катта эътибор ва ёш ишбилармонларга яратилаётган кенг имкониятлар туфайли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифати тобора ошиб бормоқда.

лиф этилган кредит турлари корхонамизнинг оёққа туриб ривожланишида катта ҳисса бўлиб қўйилди. Фаолияти ислохотлар ва уй жиҳозларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва сотишга қаратилган. Банк томонидан 2013 йилда ажратилган 70 миллион сўмлик кредит эвазига корхонамизда мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва режага нисбатан бирмунча

кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича 19 миллиард 36 миллион сўм кредит ажратилган. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, банк томонидан ажратилаётган кредитлар микдори йилдан йилга кўпайиб, тадбиркорлар оғирини енгил қилиб, шу билан бирга юрт ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

— «ORIGINAL TECHNOLOGIES» масъулияти чекланган жамиятимизда турли салқин ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, — дейди корхона раҳбари Ҳабибулла Сабатаев. — Фаолиятимизни бошлаш учун «Капиталбанк» ОАТБнинг Сергели филиали хизматидан фойдаландик. Лойиҳа қиймати 700 миллион сўмни ташкил этиб, биз 300 миллион сўм кредит олиб иш бошладик. Олган кредитимизни ноалкоголь ичимликлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун хом ашё сотиб олишга сарфладик. Бугунги кунда банк томонидан кўрсатилган молиявий кўмак туфайли ишимизни яхши йўлга қўйиб халқимизга сифатли Карлови вари маъданли ичимлигини етказиб бормоқдамиз. Келажақда банк томонидан бериладиган кўмакка таяниб ишимизни кенгайтиришни мақсад қилиб қўйганмиз. Намунали хизмат эса мижозлар сафининг ортишига хизмат қилади, албатта.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ва яратилган ҳуқуқий асослар туфайли бошқа банклар қатори «Капиталбанк» ОАТБ фаолияти самарадорлиги ортиб бормоқда. Энг муҳими, мижозларга кўрсатилаётган намунали хизмат банкларга бўлган ишончни ошириб, иқтисодиётимизнинг янада ўсишига хизмат қилмоқда.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

Грант олиш учун танлов эълон қилади

Танлов мавзуси: «Мамлакатнинг чекка ҳудудларида ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, болалар, айниқса қиз болаларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган меҳрини уйғотиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш».

Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўйидаги йўналишлардаги лойиҳаларни қўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- кам таъминланган оилалар фарзандларини, ногирон болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд оилалар қизларини, турли оммавий-маданий тадбирларга кенг жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш;
- болалар фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш, ота-она қаровисиз қолган етим болалар, ақлий ёки жисмоний ривожланишда нуқсонлари бор болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- етакчи олимлар ва экспертлар иштирокида вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш;
- алоҳида эътибор талаб этадиган вояга етмаган болалар ва оилалар билан индивидуал ишлар олиб бориш;
- ёшлар ва ўсиб келаётган авлодни фаровон ҳамда соғлом оила яратиш масалаларида хабардорлиги, саводхонлиги ва масъулиятини ошириш;
- тиббий маданиятни юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- болалар ва ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, табиий олам ва атроф-муҳит муҳофазаси борасида тасаввурини шакллантириш;
- таълим муассасалари ўқувчиларининг ёши ва психологик ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда улар ўртасида ижодий интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш;

— **«Бир болага етти қўшни ота-она»** шиори остида болалар тарбияси учун оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

— ёшларда ватанпарварлик, тарихий ва маданий меросни ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш;

— ёшлар ва ёш оилаларни намунали оилалар тажрибаси асосида қўл асрилик ҳамда синоддан ўтган миллий анъана ва қадриятлар руҳида тарбиялаш.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва мўҳри билан тасдиқланган кузатув хати, www.new.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

2. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса лицензиянинг нусхаси, Низом нусхаси (ташкilot билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан), манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасидаги тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант микдори - 15 млн. сўмгача, ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар 2014 йил 23 июндан 1 августгача ҳар кун соат 9-30 дан 18-00 га қадар қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт. Танловда қатнашиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.new.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун тел: (8-371) 239-26-76, 239-26-64.

Анжуманлар

ИСТИҚБОЛЛИ ЮРТНИНГ БАХТЛИ ФАРЗАНДЛАРИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими талаба-ёшлари ўртасида спортни ривожлантириш, хусусан, «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига тайёргарлик борасидаги ишлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда спортнинг ҳар хил турлари бўйича ютуқларга эришган ёшлар, устоз-мураббийлар, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази мутасадди раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўқувчи-ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар, жорий йилда Наманган шаҳрида ўтказилган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг ташкил этилиши жараёнилари, мавжуд ютуқ ва муаммолар ҳусусида сўз борди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ёшларнинг спорт билан фаол шуғулланишлари учун 1634 та спорт заллари, 4422 та спорт майдончалари, 879 та футбол майдони, 47 та сузиш ҳавзалари ташкил қилинган. Уларда малакали ўқитувчи ва мураббийлар фаолият олиб бормоқда.

2013 йилда юртимизда тақсир олаётган ўқувчилардан 113 нафари жаҳон, 164 нафари Осиё ва 124 таси турли халқаро мусобақаларнинг голиб ва совриндорлари бўлишган.

Шунингдек, тадбир доирасида «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақалари ёшларнинг иштироки ва кўрсатилган натижалар батафсил таҳлил қилинди, журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олдилар.

Гулчехра ДҲРДИЕВА

KAPITALBANK

**МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ,
МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ**

Бунда албатта банк-молия тизими томонидан ишбилармонлиқни ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли тадбирларнинг босқимча-босқим амалга ошириб келинаётганлиги ҳам ўз самарасини бермоқда. Бу борада «Мақсадларни бирлаштириб, муваффақиятларга эришамиз» шиори асосида мижозларга намунали хизмат кўрсатиб келаётган «Капиталбанк» ОАТБ ҳам молиявий хизматнинг барча соҳаларида замон талабига жавоб берадиган тарзда фаолият олиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

«Капиталбанк» ОАТБ томонидан мижозлар билан ўзаро манфаатли муносабатларнинг йўлга қўйилгани қўллаб тадбиркорлар лойиҳаларининг ҳаётга самарали таътиб этилиб, янги иш ўринлари яратилишига замин бўлмоқда. Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини бажариш юзасидан 2014 йил январь-май ойлари давомида тадбиркор аёлларга жами 28,2 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Аҳамиятисиз, бу борада белгиланган 24,4 миллиард сўм режанинг 115 фоизга бажарилгани ҳисобига мазкур йўналиш бўйича 130 та янги иш ўринлари яратилди.

— Янги корхоналарнинг ташкил этилишида банк хизматларидан фойдаланиш асосий омиллардан бири ҳисобланади, — дейди «REGISTON BEK BARAKA» оилавий корхонаси директори Умида Салиева. — Чунки тўғри режалаштирилган банк кредити келажақда корхонанинг ривожланишида асосий ўрин тутади. Бизнинг корхонамиз ўз фаолиятини 2013 йилда бошлаган бўлиб, шу вақтдан «Капиталбанк»нинг Самарқанд филиали билан илқ ҳамкорлиқни бошлаганмиз. Банк томонидан так-

ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР

юқори кўрсаткичларга эришилди. Шунингдек, 3 та янги иш ўрни яратилди. Бугунги кунда меҳнатларимиз самараси сифатида маҳсулотлар сотувидан тушган тушум кредитни вақтида қайтаришга ва қўшимча даромад олишга имкон яратмоқда. Келажақда ОАТБ «Капиталбанк» билан алоқаларни янада мустаҳкамлаб, аҳолини сифатли мебель жиҳозлари билан таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришни режалаб қўйганмиз. Фурсатдан фойдаланиб тадбиркорларга банк томонидан кўрсатилаётган юқори даражадаги хизмат учун миннатдорчилик билдириб ўтмоқчимиз.

Бундан ташқари банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида ҳўжалик юритувчи субъектларга 12 миллиард сўм ҳамда, 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хизмат

Умрни зое этма, меҳнат қил, Меҳнатни саодатнинг калиди бил.

Алишер НАВОЙИ

Ҳазрати Навоийнинг бу сўзларида чуқур маъно бор, албатта. Энг асосийси, бу маъно бугунги мулоҳазаларимиз учун жуда муҳим ўрин тутати. Бинобарин, ҳақиқатда кўради, қулоқ эшитида, деганларидек, курган-эшитганларимиз, билган-тушунганларимизни сиз – азиз газетхонлар билан бобокалон шoirимиз ўртага қўйган мавзуда мулоҳаза қилишни жоиз билдик.

Ўзбек халқи азал-азалдан танти ва меҳнаткаш халқ. Ҳатто, қўлларга ҳам сув чиқариб, саҳроларни гулистонга айлантирган халқ. Шунинг учун шаҳару қишлоқларимиз обод, дастурхонимиз тўкин. Бунга барчанинг ҳаваси келади.

Мустанқиллик шарофати билан ҳар бир соҳада ривожланиш истикболлари, кенг имкониятлар яратилди.

Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, бозор муносабатларини шакллантириш, моддий манфаатдорлик ва рақобатга асосланган иқтисодийётни жорий этиб, уни янгидан изга қўйиш, хусусий мулкни ривожлантириш, ишлаб чиқаришда нодавлат сектор ҳиссасининг ошиб бориши амалда ҳар бир фуқародан иқтисодий қарашларини ўзгартириб, уни янги ўзсизга солиб олишни тақозо этди.

Аммо ўттиш даврининг ана шу мураккаб палласида ҳар ким ҳар хил ҳолатларни бошдан кечирди. Бир томони борки, собиқ тузумда аҳолининг бир қисми яшнричана ишсиз, қолганларининг ҳақи катта қисми фақат ёлланма меҳнат вақли бўлиб қолган бўлса, эндиликда, аксинча, кўпчилик ўз меҳнатини ўзи ташкил этиши, ўзи ташаббускор бўлиши, илгари ҳеч ким ўйлаб қўрмаган ишлаб чиқариш ва хизмат турларини уюштириши мумкин.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, шўро даврида фуқаронинг мулкка эгалик ҳуқуқи йўқ эди – одамларнинг, лоақал, газув сотидаган дўкончаси ҳам бўлмаган. Сартарошхона, тивувчилик цехлари, ошхона ва бошқа соҳалар – ҳаммаси давлат тасарруфда эди.

Хозир-чи?

Умумий овқатланиш, маиший хизмат, автомобиль транспорти хизмати, савдо шохобчалари, кичик ва хусусий бизнес, қишлоқ ҳўжалигининг асосий қисми нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келади. Энди ҳар бир фуқаро ўз соҳасида қайсидир маънода тадбиркор бўлиши керак.

Бу ўзгаришларнинг бари одамларнинг меҳнатга муносабатини ҳам тубдан ўзгартириши талоб этиди, албатта. Замон билан ҳамнафас бўлган кўплаб кишилар аллақачон янги иқтисодий шароитга тўла мослашиб ишламоқда.

Хуллас, шўронлар бўлсинки, бизда ишлабман деган ҳар қандай кишига ҳар соҳада иш топилади. Давлатимиз томонидан иш ўринлари ҳам, шароит ҳам етарли даражада ташкил этилган.

Мирзо Улуғбек туманининг Қорасув даҳасига туташиб кетган Авайхон маҳалласидан ўтиб кетаётганимизда ҳовлиси олдида сўридан узум узаетган бир отахонга дуч келиб, у кишига юзландик.

– Ишлаб турсам, соғман, ишлайман кўйсам, касалман, – дедилар отахон. – Кейин ўғил, келин, неваралар – эртаю кеч ишда бўлади, эваралар мактабга қопади. Агар бу ҳовлимиздаги боғимизга ўзим қарамасам, бундай обод бўлмас эди. Қани, ичкарига марҳамат, ҳозир айна чиллаки узум, олма, ўрик, эртанги шафтоли пишган маҳал.

Ичкарига кирдик. Ҳовли ҳам каттагина экан, ҳавас қилгудек.

– Бу жойлар ўтган асрнинг 50-йилларида қишлоқ ерлари эди. Ҳозир – шаҳар. Ўртимизнинг экин экиш мумкин бўлган ҳар бир қарич еридан унумли фойдаланишимиз керак. Ота-боболаримиз бежиз: «Харақатда – барақат», «Сендан ҳаракат – менадан барақат», – дейишмаган.

Отахонга, у кишининг тиниб-тинчимасликларига, меҳнатлари билан ҳовлиларини гул қилиб яшаётганларига ҳавасимиз келди...

Очиги, гуруч қурмақсиз бўлмайди, деганларидек, ҳаётда, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топа олмаган, демек, умрини бекор ўтказётган айрим одамлар, ишқамаслик, бекорчилик иллатлари ҳам учраб турибдики, бундан асло кўз ююлмаймиз.

Тўғри, хозирда бу каби иллатларга деярли барҳам берилди. Шундай экан, бу масалада мулоҳаза юритиш баъзилар учун майда туюлиши мумкин. Аммо, ёнгинамизда яшаётган бекорчи, ишқамас кишиларга бефарқ ҳам бўлмаслигимиз лозим.

Хўш, улар айна кимлар? Бир хиллари уч-тўрт киши бирлашиб, эрталабдан дўкон атрофида ўралашади. Нима қилиб бўлса ҳам, кунини бекор ўтказса.

Бир хиллари соя жойга курси қўлиб олиб, шахмат, нарда ўйини билан тонгни шом қилишади.

Бир хиллар куни билан маҳалланинг қаерида худойи борлигини пойлаб ётади.

Бир хиллар йиғилишиб, бирор чойхонада ош дмлаб, иложи бўлса, ҳар кунни бекорчилик билан ўтказиш ҳаёлида.

Бир хиллар эрталабдан кечгача уйда болишга суяниб, телевизор тагида чўзилиб ётади.

Шундайлар ҳам борки, ҳатто аёлини бозорга чиқариб юборган, улар эрта тонгдан кечгача савдо иши билан машғул. Лекин ўзи – уйда бекорчи. Дарди – кунини қандай қилиб хушнудлик билан ўтказса. Ахир: «Эркак кишининг ризқини кўчага сочган, нати-

– деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган. Ҳолбуки, муқаддас динимизда ҳам, асрий миллий анъаналаримизда ҳам оилани иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, асосан, эркак кишининг зиммасида. Эркак бажарадиган ишни аёл, аёл қилиши керак бўлган ишни эркак бажараверса, жамиятда меҳнат тақсимотининг мувозанати бузилади.

Санаб ўтилган турдаги бекорчиларга иш тақлиф қилсангиз, баҳонаси – таппа-тайёр: «Менбоп иш эмас экан», – дейди. Ишланганга ҳамма вақт иш бор. Ишчан одам аввал оддийроқ вазифага бўлса ҳам, кириб олади, ўзини меҳнатда кўрсатади. Ишқамаслар бўлса бирданига кам меҳнат қилиб, кўп даромад топса-да. Уларга: «Бунақаси кетмайди, акиси!» – дейдиган одам йўқ.

Шуниси ачинарлики, ўзимизда барча шарт-шароитлар мавжуд бўлишига қарамай, айрим ношукр кимсалар бошқа ерлардан иш қидириб, фириб-гарлар тузоғига тушгани ҳолда ўз соғлиқларидан айрилиб хор-зор бўлмоқдалар, одам савдоси қурбонига айланмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, ҳаёт пенсия ёшидаги кишиларнинг ҳам жамиятда, ҳеч бўлмаса, ўз оиласида қайсидир вазифаларни бажариб, фойда келтираётганини кўрсатмоқда.

Афсуски, бекорчиларнинг бир қисми – айнан меҳнатга лаёқатли ёшдаги, бунинг устига, тўрт мўчаси соғпа-соғ кимсалар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида, жумладан: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттуларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар», – деб ёзилган. Ишлаймайдиган ота-она бу инсоний бурчини қандай адо этади? 66-моддада эса яна бир масъулият юкланади: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик

қилишга мажбурдирлар». Табиийки, фарзанди вояга етиб, меҳнатга лаёқатли бўлган ота-она бу бир қадар кексаёиб ҳам қолади. Хўш, вояга етган, меҳнатга лаёқатли бўлса-ю, ишламаса, бу фарзанд ота-онасига қандай ғамхўрлик қилади?

Халқимизда бекорчиликни қоралайдиган кўплаб мақоллар бор. Мана, улардан айримлари: «Бекор ўтиргунча бекор ишла», «Бекорчидан бешиб қоч», «Бекорчидан – бемаза гап», «Бекорчидан Худо безор», «Бекорчидан ҳамма безор», «Бекорчилик – бемаза-чилик», «Бекорчининг бети йўқ, Қозон осар эти йўқ», «Бекорчининг ҳунари – ғийбат»...

Мақолларимиз орасида дангасалик танқид қилинганлари ҳам анчагина: «Дангасага бўлут сояси ҳам – юк», «Дангасага остона тепа бўлиб кўринар», «Дангасага раҳм қилсанг, ишқамас кўлар», «Дангасалик – хархашалик», «Дангасанинг қосаси оқармас». Хусусан, мана бу мақол дангасалик психологиясини ҳар тарафлама тўғри акс эттиради:

Дангасанинг фикру ёди –
Ёз бўлса-ю, қиш бўлмаса,
Ош бўлса-ю, иш бўлмаса,
Салқин бўлса-ю, офтоб бўлмаса.

Ялқов – дангасанинг шериги. Шунинг учун мақолларимизда ялқовлик ҳам қаттиқ танқид қилинади: «Ялқов, ўзига ёв», «Ялқовлик ҳўрлик келтирар», «Ялқовнинг қўли эгри, Ўғридри унинг тенги»...

Дангасанинг қўрққани – иш. Ҳолбуки, ишни таърифлайдиган яна бир қанча мақолларимиз бор: «Иш ақлини топар, ақли – ишини», «Иш – инсоннинг гаҳари», «Иш, ишининг кетига туш», «Иш иши тортар, Ялқовлик бошга тортар», «Иш устасидан кўрқар», «Иш қилолмаган иш танлар», «Иш ғайратлидан кўрқар», «Ишга – кўним, ҳосилга – унум», «Ишқамас ақл ўргатар», «Ишқамасга иш буюрсанг, сенга ақл ўргатар», «Иши йўқнинг кўрки йўқ, Ҳунари йўқнинг бурди йўқ»...

Ҳозир жамиятимизда кўп одамлар фаоллашди. Ўзига ҳис билармонлар, тадбиркорлар тоифаси шаклланди. Уларнинг аксарияти кечаю кундуз ҳаракатда, изланишда, тинмай олиб-югуради. Шундай қилмаса, ишида барақа бўлмайди-да. Бозор шароитидаги рақобат уларни шундай фаол бўлишга ундайди. Шунга қарамайдан, жамиятда дангасаликнинг турли кўринишлари ҳам намойён бўлмоқда.

Жамият – бир бутун тушунча. Худди чумчуқ ёз бўлсин, қиш бўлсин – ҳар кун тонг отиб-отмай инидан чиқиб, ўзига ризқ излагани каби, аҳолининг ҳам меҳнатга лаёқатли қатлами ҳар кунни нимадир яратиш, фойдали меҳнат қилиш, ўзига, рўзгорига, жамиятга наф келтириш дарди билан яшамаса, турмуш даражаси пастлайди.

Яна ҳам очикроқ қилиб айтсак, оиладаги иқтисодий танглик кўпдан-кўп иллатларга сабаб бўлади. Бекорчи одам майда гаплар билан яшайди. Чунки унинг бунга ортиги билан вақти бор. Бекорчи одам ҳасад қила бошлайди. Зеро, эрталабдан кечгача пешона тери тўккан киши уйига бир нима кўтариб келади, нати-

Мулоҳаза учун мавзу

жада турмуши кундан-кунга яхшилана боради. Энг ёмони, бекорчи унинг нима топаётганини кўради, қандай йўл билан, не машаққат чекиб бунга эришяётганини ўйламайди. Оқибатда кўнглида ҳасад ўти ёна бошлайди. Ҳасад – жуда ёмон нарса. Ҳасадчи ҳам бировнинг асабини ейди, ҳам ўзининг.

Бекорчи одам ҳамма айбини бировдан, жамиятдан қидиради. Ҳолбуки, ўзидан излаши керак.

Бекорчи одамда таъмагирлик пайдо бўла бошлайди. Чунки у бировнинг меҳнати эвазигагина яшаши мумкин, холос.

Бир биродаримиз ёшлик пайтлари дурдорлик, сувоқчилик касби билан шугулланди. Биласиз, бу касбларда ҳаммаша ёш усталарнинг ошиғи олчи бўлиб кетаверди. Ёши улғая борган усталарда, ҳар қанча тажриба катта бўлса ҳам, куч камайдди. Нима қилиш керак? Ишга ўрганган, бир касбни пухта эгаллаган киши иккинчи ишни ҳам элай олади, албатта. У икки қўти асалари сотиб олиб, боқа бошлади. Йиллар ўтиб, ҳозир шу қўтилар сони икки юзтага яқинлашган.

Ўзингиз ўйлаб кўринг. Қўлида жисмоний кучидан бошқа ҳеч қандай ҳунари йўқ оддий кишининг ошиғи олчиси ёки бирон-бир устага шогирд тушиб, муайян касб-ҳунарни пухта эгаллаган мутахассиснинг иши яхши юришадими? Мамлакатимизда касб-ҳунар коллежлари айнан ана шу максатда, яъни ёшларнинг муайян касб эгаси бўлиб етишувини таъминлаш учун ташкил этилди.

Бекорчилик, ялқовлик, дангасалик қадим замонларда ҳам бўлган. Қизғи шундаки, зиддиятимиз ўша замонларда ҳам бу илатга қарши қаттиқ кураш олиб борган. Биргина Алишер Навоий ижодида мурожаат қилганимизда ҳам бунга амин бўламиз.

Буюк бобомизнинг «Мақолис ун-нафоис» таълиқи – шоирлар ҳақида. Муаллиф шоирларнинг шеъри тўғрисида ёза туриб, баъзи бировларининг феъл-атвори хусусида ҳам тўхталди. Кўпларида лавандик, яъни

устига ўз қўшнисининг меҳнатини ҳам қадрламайдилар. Бир қарашда оддий кўринган ушбу ҳолатлар юқорида келтирилган иллатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Бу мулоҳазалардан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳар ким ўзидаги дангасалик касалини ўзи даволаши лозим. Бекорчиликдан қутулиш – ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Биз ота-оналар болаларимизни ҳам меҳнатга ўргатишимиз, меҳнатсевар, ишчан, тадбиркор қилиб тарбиялашимиз зарур.

– Ёш саксонга бориб қолганидан кейин ҳаётни кўриб туриб, ютуғини ҳам, камчилигини ҳам тез илғайдиган бўлиб қолар экансан, – дейдилар бир отахон. Ёш кезларимда кексалар ақл ўргатгудек бўлса, ростини айтсам, ҳайрон бўладиган ҳолатлар ҳам юз берган. Лекин қари билганини пари билмайдим. Кексалар маслаҳат бермаса, ким ўғит беради?

Шундай экан, кенг жамоатчилик, маҳалла-қўй бир четда томошабин ва лоқайд бўлмасдан бекорчиликка қарши кескин чора-тадбирлар кўриши керак-ку? Чунки ҳеч қаерда ишлаймайдиганларга маънавий ёрдам бериш, ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланишдан бош тортаётганлар билан эса алоҳида ишлаш лозим.

Ички ишлар бўлими профилактика инспектори ва маҳалла оқсоқоли бундай шахслар билан барча ишларни ҳамкорликда олиб бориши зарур.

Профилактика инспектори ва маҳалла оқсоқоли ичкиликка руж қўйган шахсларни мажбурий тартибда даволашга юбориши лозим. Ушбу вазифа уларнинг бевоқифа вақолати ва мажбуриятга қиради.

Юқорида таъкидланган фуқаролар билан маҳаллада истиқомат қилувчи обрў-этиборли, нуфузли ва таниқли инсонлар, тадбиркорлар, давлат идораларида фаолият юритаётган масъул ходимлар, имом хатиб ва отинийлар, кўча боши ва уй бошилар доимий суҳбат ва тушунтириш ишларини олиб бориши, ушбу шахсларни ўртага олиб, муҳокама қилиши лозим. Бу суҳбат-

лар чоғида дунёвий ва диний томондан ишсиз юришнинг салбий оқибатлари жамият ривожига тўқсинлик қилиши тўғрисида тушунтирилса, албатта, фойдаси бўлади. Сурункали ишсиз юрган фуқаролар маҳалланинг ҳаётда фаол иштирок эта олмасликлари юзасидан қатъий оғохлантирилишлари, зарур ҳолларда уларни маҳалла, кўпчилик олдида уялтириш лозим. Ана шунда натижа бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бугунги кунда шахримизда аҳолининг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар асосида талай ишлар амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилаш, уларни ўз касби бўйича ишга жойлаштиришга қўмақлаштирилмоқда.

Ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш учун шаҳар ҳокимиятининг 2011 йил 27 майдаги «Маҳаллаларда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини идорасида бўш иш ўринлари бурчаги ташкил этилган. Унда фуқароларга туманда мавжуд бўш иш ўринлари, ойлик маоши ва иш тартиблари бўйича маълумотлар акс

этирилган. Ушбу бўш иш ўринлари бурчагининг ҳар ойнинг бошида меҳнат инспектори томонидан янгилаб борилиши таъминланган.

Ҳар чорақда маҳаллаларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бандликка қўмақлаштириш марказлари билан ҳамкорликда кичик меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда.

Йил бошидан маҳаллаларда ишлаш истагида бўлган, меҳнатга лаёқатли, вақтинча ишламаётган фуқаролар рўйхати шакллантирилди.

Жумладан, жорий йилнинг июнь ойига қадар бу рўйхатдаги 15 минг 812 нафар ёки 78,2 фоиз фуқаронинг иш билан таъминланишига қўмақлашилди. Албатта, уларнинг турмуш шароити яхшиланди. Ҳозирги кунда ишсиз фуқаролар билан ўтказилган йиғилишлар ва улар ўртасида олиб борилган тушунтириш-тарғибот ишлари натижасида фуқароларнинг оилавий тадбиркорлик, қасаначилик билан шугулланиб келётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Шу билан бирга, маҳаллаларда меҳнатга лаёқатли бўла туриб, ишлаш истагида бўлмаган фуқароларни билан учратишимиз мумкин. Ҳозирги кунда улар ўртасида профилактика инспектори ва маҳалла фаоллари томонидан тегишли тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

Хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ички ишлар бўлими, бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ушбу тоифадаги фуқароларнинг оилавий шарт-шароитлари, илгари нима иш билан шугуллангани ва ҳозирги пайтда қандай иш билан машғуллиги, шунингдек, бугунги кунда иш билан таъминланмаганини баҳолаб ва омилини ўрганилиб, улар билан тегишли суҳбатлар амалга оширилмоқда.

Мутасаддилар маълумотларига қараганда, шахримизда 79 та касб-ҳунар коллежи мавжуд. Уларда 135 мутахассислик бўйича кадр тайёрланади. Жорий йилда уларни 26 минг 578 нафар йигит-қиз тугаллади. Шундан бугунги кунгача 24 минг 438 нафари билан уч тарафлама шартнома имзоланган. Бундай шартнома коллеж, қорхона ва талаба (ёки унинг ота-онаси) ўртасида тузилади. Демак, битирувчилар 91 фоизининг қаерда ишлаши масаласи олдиндан ҳал этилган. Уч тарафлама шартномалар тузиш ишлари давом эттириляпти.

Ҳозир шахримизнинг ҳар бир туманида бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мавжуд. Уларда ўз тумани ҳудудидидаги бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар базаси мавжуд. Шахримизнинг хоҳлаган фуқароси, ўзи қайси туманда яшаётганидан қатъий назар, хоҳлаган туман меҳнат ва бандликка қўмақлаштириш марказига мурожаат қилиши, шу тарика ўзига мос иш топиши мумкин.

Муқаддас динимизда: «Ҳамма нарса ниятга боғлиқ», – деган аjoyиб ҳикмат бор. «Яхши ният – ярим давлат», – дейди халқ. Жамият – ҳақиқат инсон меҳнати билан тирик. Шундай экан, ишлайман деб ният қилган ҳар қандай кишига жамиятда иш бор. Фақат уни излаш, унга интилиш, меҳнатдан қочмаслик керак. Шунинг унутмайлики, кунини бекор ўтказётган ҳар қандай одам амалда жамиятнинг умум тарақиётига зарар келтиради.

Ушбу мулоҳазалар ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда ўз-ўзидан савол туғилади. Ахир, бундай касалини кимлар тузатади? Жамиятнинг ўзи, маҳалла-қўй, жамоатчилик!

Келинлар, ҳаммамиз биргалишиб, бекорчилик, ишқамаслик ва лоқайдлик иллатларига чек қўйлик. Халқимизда бекорчидан Худо безор деган нақл бор. Шундай экан, демек бекорчидан ҳамма безор.

Сиз бунга нима дейсиз, азизлар?

Олим МАҲМУДОВ

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Агарда иш билан бандлик юзасидан бирор бир муаммоларингиз ёки саволларингиз бўлса Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бoshқармаси ва туман марказларининг манзили ҳамда телефон рақамларини эслатиб ўтамиз:

Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бoshқармаси.	Шахрисабз кўчаси, 34-уй 236-00-25, 233-84-34.
Бектемир тумани Бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази.	Х.Бойқаро кўчаси, 117-уй 295-10-67, 295-01-77.
М.Улуғбек тумани Бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази.	Я.Фуломов кўчаси, 38-уй 233-07-23, 236-12-09.
Миробод тумани Бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази.	Т.Шевченко кўчаси, 64-уй 254-46-69, 254-46-31.
Олмасор тумани Бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази.	Қорасарой кўчаси, 270-уй 228-05-39, 248-43-50.
Сергели тумани Бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази.	Қўрғонтепа кўчаси, 16-а уй 258-63-84, 258-08-95.
Учтепа тумани Бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази.	Фарход кўчаси, 21-уй 217-23-55, 217-23-17.
Ҳамза тумани Бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази.	Алимкент кўчаси, 2-уй 296-45-71, 296-52-52.
Чилонзор тумани Бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази.	Фарход кўчаси, 10-уй 276-19-97, 276-52-24.
Шайхонтоҳур тумани Бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази.	Себзор кўчаси, 7-уй 244-59-47, 244-59-12.
Юнусобод тумани Бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази.	Осий кўчаси, 40-уй 235-02-96, 235-00-84.
Яқасарой тумани Бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази.	А.Авлоний кўчаси, 20-а уй 239-88-50.

